

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**3**      **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 22 октябрдаги ПФ-4478-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон ва фермер хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбир-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

лар тўғрисида» 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сонли Фармонининг 3 ва 4-бандлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармонининг 6-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 декабрь,  
ПФ-4495-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2012 йил 30 декабрдаги  
ПФ-4495-сонли Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 23 июндаги ПҚ-107-сонли қарори иловасининг 7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги ПҚ-272-сонли қарори 3-бандининг биринчи хатбошидаги «Фермер хўжаликлари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ-360-сонли қарорининг 9-банди иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартдаги ПҚ-601-сонли қарорининг 3-илоvasидаги «Мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмала-

ри» бўлимидаги «Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси» сўзлари «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик машинасозлигини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 7 апрелдаги ПҚ–832-сонли қарори 5-иловасининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. С. Турдиев — Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг раиси».